



**Раҳбар кадрларни қайта тайёrlаш ва малакасини ошириш мазмуни,  
сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган**

## **МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

### **I. Умумий талаблар**

Қайта тайёrlаш ва малака ошириш сифати тингловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, тингловчилар билимлари, кўникма ва малакаларининг раҳбар кадрларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

Раҳбар кадрларни қайта тайёrlаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари тегишли йўналишлар бўйича ўқув режалари ва дастурларини шакллантириш, шунингдек, ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш тартибини ҳамда бошқа хужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

### **II. Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйиладиган умумий талаблар**

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрлари қуидаги йўналишларда билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим:**

- юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлиш;
- мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш тамойилларини билиш;
- Ватанга садоқат ва ватанпарварлик туйғуларига эга бўлиш;
- масъулият, интизом, ташаббускорлик, қатъиятлилик ва ижтимоий фаоллик сифатларига эга бўлиш;
- жамоада меҳнатга нисбатан иштиёқни ва соғлом мұхитни шакллантириш;
- вазиятга тўғри баҳо бериш ва сиёсий хушёр бўлиш;
- раҳбарликнинг иш услубларини билиш ва амалиётда қўллаш;

- бошқарув фаолиятининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш;
- раҳбар кадрларнинг креатив салоҳиятини баҳолаш мезонларини билиш;
- ходимлар билан муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптимал бошқариш;
- меҳнат қонунчилиги ва унинг ҳуқуқий асосларини билиш;
- олий таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш билан боғлик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш ва улар асосида иш юритишни ташкил қилиш;
- мунтазам равища бошқарув малакасини оширишга, янги билимларни эгаллашга тайёр бўлиш;
- музокаралар олиб бориша юксак нутқ маданиятига эга бўлиш;
- турли хил вазиятларни объектив баҳолаш, оптимал қарорлар қабул қилиш ва ижро натижаларини назорат қилиш;
- олий таълим муассасасининг ички имкониятларини таҳлил қилиш, яширин заҳираларини аниқлаш, муаммоларни топиш ва уларни самарали ечиш;
- инновацияларни амалиётга муваффақиятли жорий қилиш ҳамда олий таълим муассасасининг инновацион фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- олий таълим муассасаси фаолиятига таъсир қилувчи ташқи шароитларни олдиндан билиш ва баҳолай олиш;
- бошқарув фаолияти асослари ва тадбиркорлик хусусиятларини билиш;
- жамоани бошқаришга нисбатан психологик тайёргарликка эга бўлиш;
- ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш ва фикрларини ёзма ҳамда оғзаки равища ифода қилиб бериш;
- ахборот-коммуникация технологияларини амалда қўллай билиш;
- чет тиллардан бирортасида сўзлашув нутқи малакасига эга бўлиш.

**Олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари қуйидаги йўналишларда компетентликка эга бўлиши лозим:**

**Ҳуқуқий компетентлик** - таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, қонунчилик нормаларини билиш ҳамда бошқарув фаолиятида самарали фойдалана олиш, локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қонунчилик нормалари доирасида қарорлар қабул қилиш.

**Бошқарув компетентлиги** – бошқарув фаолиятидаги реал вазиятларда учрайдиган бошқарув муаммо ва вазифаларнинг самарали ечимини таъминлайдиган методик усуллар, замонавий бошқарув технологиялари, педагогик-психологик диагностика (сўров, индивидуал ва гурухий интервью) технологиялари, самарали бошқарув муроқотини ташкил эта билиш ва доимий такомиллаштириб бориш, жамоада соғлом психологик мухитни яратиш, бошқарув вазиятларига мос ҳолда самарали услубларни қўллай олиш, музокаралар олиб боришнинг педагогик-психологик жиҳатларидан фойдалана олиш, вақт менежменти, кичик гурухлар ва лидерлар билан муносабатни шакллантириш, бошқарувда назоратни такомиллаштириш.

**Ахборот компетентлиги** – раҳбарнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шахсий ва бошқарув фаолияти билан боғлиқ маълумот, ахборотларни излаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва зарурий ахборотларни соҳага йўналтириш, мустақил ижодий ишларни ташкил этиш, бошқарув фаолиятини доимий ривожлантириш.

**Коммуникатив компетентлик** – таълимни бошқариш жараёнида самарали муроқотни таъминлаш, турли хил кичик гурухларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, уларни бошқариш, горизонтал ва вертикал коммуникация йўналишларида самарали бошқарув муроқотини ташкил этиш, хорижий ҳамкорлар билан муроқотнинг этикетларини сақлаш, толерантлик, мумомалада юксак нутқ маданиятига эга бўлиш, жамоада ижобий раҳбар имиджини шакллантириш, ёзма фикрларни муроқот жараёнида етказа олиш, оғзаки фикрларни ёзма тўғри баён қилиш, жамоа олдида чиқиш қилиш одобини ўзлаштириш, самарали музокаралар олиб бориш.

### **III. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасининг тасдиқланган Намунали таркибидан келиб чиқиб олий таълим муассасалари раҳбар кадрларига қўйиладиган малака талаблари**

#### **1. Олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни автоматлаштириш**

##### **Олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари:**

- Америка Кўшма Штатлари кредит тизими (USCS), кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизими (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), университет кредитларини ўтказишнинг Осиё-тинч океани тизими (UCTS) кредит тизими хусусиятларини;

- кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методларини;
- кредит-модуль тизимида ўкув жараёнининг услугбий таъминотини тайёрлаш тамойилларини;
  - кредит тизими асосида таълим натижаларини баҳолаш усулларини;
  - таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмунини;
  - таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асосларини;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатлари мазмунини;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий хужжатларининг мазмунини;
  - Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўкув режалар ва фандастурлари ва уларга қўйиладиган талабларни, ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойилларини, ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методларини;
  - рақамли университет моделларини;
  - олий таълим жараёнларини бошқаришнинг “Маъмурий бошқарув”, “Ўкув жараёни”, “Илмий фаолият”, “Молиявий бошқарув ва статистика” ички тизимларини;
  - ахборот тизимларининг электрон ҳукумат платформалари билан интеграциясини **билиши** керак;
  - кедит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш;
  - кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустакил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш;
  - кредит-модуль тизимида ўкув жараёнининг услугбий таъминоти ва силлабусни яратиш;
  - кредит-модуль тизимида таълим натижаларини (Блум таксономияси асосида) лойиҳалаш, билим даражаларини белгилаш ва таълим натижаларини баҳолаш;
  - педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш;
  - таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-хукукий ҳужжатлари асосида таълим-тарбия жараёнларини ташкиллаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хукукий ҳужжатлари асосида Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўкув режалар ва фан такомиллаштириш;
- ўкув юкламаларни режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- таълим жараёнида бошқарув тизимини рақамлаштириш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
- кредит-модуль тизимида ўкув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш;
- 2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси асосида ОТМ\факультет\кафедрани ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-хукукий ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим тизимида оид норматив-хукукий ҳужжатлар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;
- Давлат таълим стандартлари, ўкув режалар ва фан дастурлар асосида фаннинг ишчи дастурини ишлаб чиқиш;
- Олий таълим бошқарувида ахборот технологияларини қўллаш;
- Таълимда булатли технологияларни қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## **2. Раҳбарнинг инновацион ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

### **Олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари:**

- инновацион компетентлик ва унинг ўзига хос хусусиятларини;
- замонавий таълим менежерининг инновацион компетентлиги мазмун ва моҳиятини;
- таълим жараёнини инновацион ташкил этиш ва бошқаришда халқаро тажрибаларни;

- инновацион компетентликни шакланиш босқичларини;
- маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўрганиш хусусиятларини;
- касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан **билиши** керак.
- таълим менежери фаолиятини илмий ташкил этиш;
- таълим менежери фаолиятини инновацион технологиялари асосида ташкил этиш;
- e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш);
- электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш;
- қундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар (Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари) ҳақида гапириб бериш;
- инглиз тилида резюме тўлдириш, маданий хордик, телефонда сұхбат этиш **кўнижмал ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
- таълим менежерининг инновацион усуллари асосида такомиллаштириш;
- инглиз тили грамматика ва лексикасини коммуникатив мақсадларда фойдаланиш;
- инглиз тили асосида илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш;
- хорижий мутахассислар билан мулоқот этиш;
- инглиз тилида соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

### **3. Тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш асослари**

#### **Олий таълим муассасалари раҳбар қадрлари:**

- тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг асосий тушунчаларини;
- тизимли таҳлил объектини;
- Тизимли таҳлилнинг вазифалари ва принципларини;
- тизимли таҳлилнинг ривожланиш ва шаклланиш босқичларини;

- олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишларини;
- олий таълим муассасаларида жамоатчилик назоратининг замонавий механизмларини жорий этишни;
- ОТМларда бошқарув қарорлари қабул қилишга таъсир этувчи омиллар таҳлилини;
- стратегик менежмент мазмун моҳиятини;
- бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш усусларини **билиши** керак.
- тизимларни таҳлил қилишда аналитик ва сифатли ёндашиш;
- сифатли қарорлар қабул қилиш;
- ОТМларда бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
- ОТМларда бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимиning очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш;
- олий таълим муассасаларида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

#### **4. Махсус фанлар**

##### **Олий таълим муассасалари раҳбар қадрлари:**

- Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини;
- Болонъя жараёни ва унинг хусусиятларини;
- Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичларини;
- замонавий таълим сифатининг мезон ва кўрсаткичларини;
- таълимни бошқаришнинг замонавий парадигмаларини;
- янги авлод университетларини яратиш ва ривожлантириш бўйича хорижий тажрибани;
- Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини;
- Университет 3.0 модели ва унинг самарадорлигини;
- бизнес инкубаторлар ва венчур молиялаштириш фаолиятини;
- таълим тизимида инновацион фаолиятни ташкил қилишнинг хориж тажрибасини;
- олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро методларини;
- олий таълимнинг замонавий инновацион моделлари ва унинг самарадорлигини;

- таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини;
- ўкув-тарбия жараёнини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини;
- олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожланишириш стратегиясини;
- олий таълимда инсон ресурсларини бошқаришнинг назарий-услубий асосларини;
- олий таълимда инсон ресурслари салоҳияти ва савиясига таъсири этувчи омилларни;
- кадрлар савиясини назорат қилишда ( Self Permormance Appraisal ва KPI) механизмларини;
- олий таълим тизимида ҳамкорликни ташкил этишнинг ташкилий-хукукий асосларини;
- кадрлар тайёрлашни прогнозлашни;
- таълим муассасасини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтишнинг йўлларини;
- инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириши **билиши** керак.
  - олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;
  - илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш;
  - илм-фан тараққиётига кўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантириш;
  - университет 3.0 моделида билимларни тарқатиш, генерациялаш ва тижоратлаштириш учун ахборот тизимларини лойиҳалаштириш;
  - университет 3.0 моделининг ташкил қилишнинг хориж тажрибасини амалиётга жорий қилиш;
  - илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини тижоратлаштириш;
  - персонални стратегик режалаштириш;
  - меҳнат бозоридаги хорижий ва маҳаллий тенденцияларни инобатга олиш;
  - инсон ресурсларини бошқаришнинг илғор хорижий тажрибалари ва улардан республикамиз ОТМларида фойдаланиш;
  - олий таълим муассасаси, битирувчи-мутахассис ва кадрлар буюртмачиси ўртасидаги ҳамкорликнинг тўғри йўлга кўйиш;

- илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш;
- молиявий таъминоти манбаалари бўйича даромадлар ва ҳаражатларни режалаштириш бўйича **қўникма ва малакаларга** эга бўлиши лозим.
- олий таълим тизимининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;
- илм-фандага ўзини ўзи бошқариш тизими ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш;
- университет 3.0 модели асосида “Фан-таълим-ишлиб чиқариш” интеграцияси муаммоларини ечиш;
- Университет-3.0 модели асосида ОТМ мавжуд муаммоларини ҳал этиш борасида чора-тадбирлар ишлиб чиқиш;
- олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетингини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлиб чиқиш;
- кадрлар буюртмачилари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- олий таълимда инсон ресурларини компьютер дастурлари орқали режалаштириш;
- инсон ресурсларини бошқаришнинг илғор хорижий тажрибалари ва улардан республикамиз ОТМларида фойдаланиш;
- таълим муассасаларини ўзини-ўзи молиялаштириш тизимида ўкув, услугбий, илмий, маънавий, маърифий ва ташкилий фаолиятини молиявий таъминотини ташкил этиш;
- олий таълим муассасасининг маблағларини тўғри режалаштириш, улардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

#### **IV. Якуний қоида**

Мазкур малака талаблари ижтимоий-иктисодий соҳанинг устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилади.

**Олий таълим тизими педагог ва  
раҳбар кадрларини қайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
oshiishi ташкил этиш Бош  
илмий-методик маркази директори**



**Т.Т.Шоймардонов**